

БУХОРО НИКОҲ ТҶИИ УДУМЛАРИГА АЛОҚАДОР ҚЎШИҚЛАР ИЖРОСИДА МИФОЛОГИК-ҲАЁТИЙ ИЛДИЗЛАРИ

Шербекова Гавҳар Яхшибаевна

БМТИ академик лицейи ўқитувчиси

Қобилова Азиза Аҳроровна

БМТИ академик лицейи ўқитувчиси

Нуриддинова Меҳринисо Фатхиддиновна

БМТИ академик лицейи ўқитувчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Бухоро никоҳ тўйи удумларига алоқадор қўшиқлар ижросида мифологик-ҳаётий илдизлари борасида сўз боради.

Калит сўзлар. “Ёр-ёр, ёрони”, “Ишимма”, “Дейди-ё”, “Дугона, дугона дейман”, “Хуш келибсиз”, “Хуш келибсиз”.

Аждодларимизнинг ўзга олам ҳақидаги қадимий-мифологик тасаввур-тушунчалари ва турли диний-эътиқодий қарашлари заминда шаклланиб, ўзига хос бадиий-тадрижий такомилга эришган ўзбек тўй маросими фольклори контекстида Бухоро никоҳ тўйи маросимига алоқадор фольклор намуналари халқ ижодкорлиги ҳамда бадиҳагўйлигининг ўзига хос намуналари сифатида яхлит тизимни ташкил қилади ва алоҳида ўрин тутди. Уларда шу ҳудуд аҳолисининг маънавий-руҳий дунёси, ўзига хос урф-одатлари тарихий дунёқараш маҳсули сифатида акс этади ва шаклланишида аждодларимизнинг мифологик дунёқараш ҳам катта таъсир кўрсатгани сезилади. Хуллас, мифологик, фалсафий, тарихий дунёқараш маҳсули бўлган тўй маросими фольклори мифологик тафаккурнинг поэтик тафаккурга кўчиш тамойилларини ойдинлаштириш учун муҳим манба вазифасини ўтай олади. Асосий мотиви турмуш, оила қуриш, йигитлар эр ҳолатига, қизлар аёллик оламига ўтишини, шу жараёнда уларда юз берадиган руҳий эврилишларни гоҳ кўтаринки, гоҳ дардли ҳолатда қайд этишга қаратилган никоҳ маросими қўшиқлари ҳар бир даврда кишилиқ маданияти, диний-эътиқодий қарашларига кўра ўзига хос тарзда тараққий топиб келган. Кейинги даврларда оммавий маданият таъсирида уларни сунъий замонавийлаштиришга, миллий заминдан узоқлаштиришга уриниш ҳолатлари ҳам учрайди. Бунинг натижасида эса тўй маросими билан боғлиқ айрим урф-одатлар (“тухум солар” сингари) мазмунида янгиланишлар пайдо бўлди. Айримлари (“ўтин берди”, “нон ёпди” кабилар) унутилди.

Бошқа ҳудудлар каби Бухоро никоҳ тўйи ҳам ўз тузилиши, ўтказилиш мақсади, вазифаси, ўрни, тарзи, иштирокчиларига кўра маълум ички гуруҳларни ташкил этади. Жумладан, қиз овлаш, совчилик, нон синдирди, фотиҳа, рахтзанон, никоҳ қийди, келин узатиш, келин келди, чимилдиқ тутди, чимилдиққа киритиш, жой солди, юз очди, саршўён, куёв салом, келин салом,

жой йиғди, падарбинон, чарлар (чақиринди) ва бошқалар шулар сирасига киради. Уларнинг ҳар бири никоҳ тўйининг муайян бир одати билан боғланиши жиҳатидан алоҳидалик касб этади.

Бухоро фольклорида шундай жанрлар ёки қўшиқлар мавжудки, уларнинг ижроси республикамизнинг бошқа худудларида яшовчи аҳоли ўртасида кузатилмайди. “Ёр-ёр, ёрони”, “Ишимма” каби қўшиқлар шулар жумласидандир. Бинобарин, М.Жўраев “Ой олдида бир юлдуз” тўпламида “Ёр-ёр, ёрони” қўшиқларидан намуналар берар экан, у ҳақда: “Бухоро вилоятининг Қорақўл, Олот туманларида, Туркманистон Республикасининг Фороб туманида ўтказиладиган никоҳ тўйи маросими фольклорида мавжуддир” деб кўрсатади.

Бухоро никоҳ тўйи маросимига алоқадор қўшиқлар таркибида “Дейди-ё”, “Дугона, дугона дейман” лапарлари, ёр-ёрлар, етим келин-куёвга айтиладиган ёр-ёрлар, ўланлар, “Ёр-ёр, ёроне”, “Хуш келибсиз” қўшиқлари, келин саломлар, “Гул базми” термалари ҳам ижро қилинади. Масалан, “Гул базми” қўшиқларидан бирида шундай мисралар келтирилади:

Гул берди, кўнгил берди,
“Гул берганни сев”, – дерди.
Юриб боғда у гўзал,
Менга гулдаста терди.
Ўзи каби гули ҳам,
Ёқиб қолди кўнглимга.

Никоҳ тўйи билан боғлиқ ҳар бир жанр ушбу жараённинг маълум бир томонини, аниқ бир босқичини ўзида ифодалаб келади. Ёр-ёрлар, келинсаломлар, саломномалар, келин ўтирсин, куёв ўтирсин, хуш келдингиз, мухаммаслар Бухоро никоҳ тўйи фольклорининг катта қисмини ташкил этади. Уларнинг ҳар бири алоҳида, мустақил жанрлар сифатида яшаб келмоқда. Бунинг учун уларнинг энг муҳим жиҳатлари, доимий, барқарор белгилари, никоҳ маросими жараёнидаги ўрни ва вазифаси, ғоявий мазмуни, ижро мақсади, вақти, ижрочилари таркиби асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида номи кўрсатиб ўтилган қўшиқ турлари Бухоро никоҳ тўйи маросимида муайян ўрин тутиши, вазифадорлиги, маълум ижро босқичига эгаллиги, мавзу доираси, кўпинча профессионал ижрога мослашганлиги, эшитувчилар гуруҳига мўлжалланганлиги, оила қуриш муносабати, куёв элтиш ва қиз узатиш, яъни келин элтиш жараёнида куйланиши, ижро усули, ё шўх, ё йиғлоқи оҳанги билан ўзига хослик касб этади.

Бухоро никоҳ тўйи қўшиқларининг яратилиши ва куйланиши жуда қадимий даврларга бориб тақалса-да, ундаги “никоҳ” сўзи бу хил қўшиқларнинг ислом дини асосида келиб чиққан никоҳ жараёни билан генетик боғланишини англатиб туради. Қолаверса, ёр-ёр, ўлан, келинсалом каби никоҳ тўйи қўшиқларини куйлаш пайғамбаримиздан мерос экани таъкидланиши маълум. Лекин V-VIII асрга оид Ўрхун-Энасой ёдгорликларида ҳам тўй, қиз олиш ва

бериш воқеликлари қайди мавжуд. Х асрнинг йирик муаррихи Абу Бакр ибн Жаъфар Наршахийнинг “Бухоро тарихи” китобида Афросиёб Сиёвуш ибн Кайковуснинг қайнотаси экани айтилади.

Тўй фольклорини чуқурроқ ўрганиш, уларнинг генетик асосларига назар ташлаш аждодларимизнинг исломгача ва исломдан сўнг оила қуриш масалалари борасидаги қарашларини билиб олиш имконини беради. Чунки уларда шундай мотивлар учрайдики, бевосита этнографик субстратларнинг ёки мифологик тасаввурларнинг бадиий моделга айланган шакллари ҳисобланади. Д.Ўраева айтганидек, уларни ўрганиш натижасида қачонлардир истеъмолда бўлган, лекин ҳозирги кунда батамом унутилиб кетган ёки кетаётган маросимлар ҳақидаги маълумотлар қайта тикланади. Шу билан бирга ҳозирда бажарилаётган тўй удумларининг қандай ва нима учун келиб чиққанлиги аниқланиб, уларни ўтказишда йўл қўйилаётган камчиликлар белгилаб олинади.

Никоҳ тўйи ижтимоий ҳаётнинг оила қуриш ва уни асраш масалаларини ўзида ифода этишга хосланган. У узоқ тарихий тараққиётни босиб ўтган. Тўй маросими оилавий-маиший маросимларнинг катта, оммавий, ижтимоий-ҳаётий бир тури бўлиб, ўзига хос удумлари, табиати, вазифаси, фольклори жиҳатидан алоҳидалик касб этади. У орқали инсонларнинг анимистик тасаввурлари, руҳнинг барҳаётлигига ишонч туйғуси ёрқин акс этади.

Бошқа маросимлар каби никоҳ маросими ҳам азалдан ўзига хос қатъий тартиб-қоидалари, урф-одатлари, ирим-сиримларига эга. У бевосита ҳар бир ҳудудда яшовчи аҳолининг ўзига хос урф-одатлари, ирим-сиримлари, фольклор айтимлари асосида ташкил қилинади ва ўтказилади. Жумладан, Бухоро никоҳ тўйи қўшиқлари вилоятнинг турли туман ва қишлоқларида ҳар хил расм-русумларга бойлиги туфайли улар мазмунига мувофиқ фольклор айтимлари асосида ташкил қилинади. Бизнингча, Бухоро никоҳ тўйи маросими жуда кўп расм-русумлардан, ички маросимлардан ташкил топганлиги боис, уни яхлитлаштириб ўрганишда олти босқичга бўлиб тадқиқ этиш мақсадга мувофиқдир.

Биринчи босқич – овчилик ва совчилик.

Иккинчи босқич – унаштириш ва фотиҳа, қалин қийиш.

Учинчи босқич – тўй, никоҳ.

Тўртинчи босқич – келинни кутиб олиш, чимилдиққа киритиш.

Бешинчи босқич – юз очди, келин салом.

Олтинчи босқич – жой йиғди, бош ювди, чарлар.

Никоҳ тўйида келин-куёвнинг ритуал ювиниши ва кийиниши удумларининг шаклланиши ҳам мифологик-ҳаётий асосларга эга. Бунда қиз-йигит бир оламдан бошқа бир оламга (йигитлар эрлик, қизлар эса аёллик оламига қадам қўяётгани эътиборга олиниб, уларга оқ либосдан кийим ҳозирланади. Кетар чоғида қизнинг янгаси кўмагида ювиниши шартлиги худди

унинг ўлик мисол икки олам орасида турганига ишорани билдиради. Худди майит каби қизнинг ҳам қўл ва оёқ тирноқлари олинади.

Тўй бўлаётган қизни ювинтириш маросимининг келиб чиқишига ибтидоий инсонларнинг сувни икки оламни бирлаштириб турувчи магик восита деб қарашлари ҳамда “оби ҳаёт”, яъни “тириклик суви” ҳақидаги мифологик тасаввурлари асос бўлгани шубҳасиз. Бунда қизнинг ювиниши унинг қайта тирилиши учун зарур шарт сифатида қаралади.

Ибтидоий инсонлар тасаввурига кўра, сув йўли орқали ўзга дунёга кириб бориш мумкин. Сув у дунё билан бу дунёни туташтирувчи йўл, уларни биридан ажратиб турувчи чегара деган тушунчалар бўлган.

Қизларни турмушга узатишдан олдин ювинтириш маросими орқали поклаш ва шу йўл билан уларга абадий ҳаёт бағишлаш эътиқоди сув культига ишонч, ўзга дунё, унда қайта тирилиш билан боғлиқ тасаввур-тушунчаларни ўзида ифода этади. Маълумки, марҳумлар ҳам икки бор: 1) маҳрам сувига олинади; 2) поклик сувида чўмилтирилади. Худди шунингдек, қизлик оламидан аёллик оламига узатилаётган келинчакни ювинтириш маросими тўйгача ва тўйдан кейин амалга оширилади. Тўйдан сўнг “Саршўён” (“Бош ювди”) маросими ўтказилади. Бу маросим учун қизнинг онаси томонидан тоғора, ичига гуруч солинган офтоба, бир пиёлада қатиқ (Бухорода “чакка” ёки “чакида” дейилади) юборилади. Шунинг учун Бухоро никоҳ тўйи қўшиқларида ушбу нарсаларнинг номига алоҳида ишора қилиниши кузатилади:

Токчадаги қатиқни

Ким тўкибди, ёр-ёр?

Чиқаётган қизимизни

Ким сўкибди, ёр-ёр?

Бу каби қўшиқлар тўй маросими қўшиқлари орасида келиннинг бошини ювишда айтиладиган махсус айтимлар борлигини англашга ёрдам беради.

Хуллас, сувни тириклик тушунчаси билан боғлаган қадимги инсонлар унга мўъжизакор куч сифатида қараган. Бу каби қадимий тушунча ва тасаввурлар эса узатилаётган қизларни, яъни келинчакларни ювинтириш удумларининг шаклланишига замин яратган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тўй муборак, ёр-ёр. Тўпловчи ва нашрга тайёрловчи О.Сафаров. – Т.: Маънавият, 2000.
2. Бухор элда гул сайли. Тўплаб нашрга тайёрловчилар Д.Ўраева ва Д.Ражабов. – Т.: Муҳаррир, 2010.
3. Жўраев М., Д.Саттиева. Ўзбек фольклорида ҳаёт дарахти. – Тошкент: Фан, 2010.
4. Пропп В.Я. Исторические корни Волшебной сказки. – Л., 1946.

5. Турдимов Ш. Лирик қўшиқларда рамз. – Тошкент: Фан, 2020.
6. Рўзиева М. Ўзбек фольклорида ранг символикаси. – Т.: Фан, 2016.
7. Алавия М. Ўзбек халқ маросим қўшиқлари. – Т.: ФН, 1974. – 222 б.
8. Yakhshibaevna S. G. Artistic Expression of Bukhara Wedding Customs in Ceremonial Songs //CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE.-2021. Т. 2. №. 10.-С. 141-145.
9. Yakhshibaevna S. G. Some Features of the Language of Bukhara Wedding Songs #CENTRAL ASIAN JOURNAL OF LITERATURE, PHILOSOPHY AND CULTURE. 2021. Т. 2. N. 10. С. 146-151.
10. Sherbekova G. Artistic reflection of the regional flora and fauna in Bukhara wedding songs //НАУКА, ОБРАЗОВАНИЕ, АКТУАЛЬНЫЕ АСПЕКТЫ. 2021. С. 127-129.
11. Шербекова Г. Я. Бухоро никоҳ тўйи қўшиқларининг тпланиши ва ўрганилишига доир баъзи мулоҳазалар Scientific progress, 2022. Т. 3.-N. 2. -С. 251-256.